

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ  
ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ  
ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМДА УЛАРНИ ИШДА  
КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЮЗАСИДАН АТТЕСТАЦИЯДАН  
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 43-44-сон, 465-модда)*

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ходимлар малакаси ва кўникмаларини компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан баҳолашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2012 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар:

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари **1-иловага** мувофиқ;

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ;

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиладиган ходимларининг лавозимлари рўйхати **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат тест маркази 2012 йил 1 январгача бўлган муддатда давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан баҳолаш тизимининг жорий этилиши ва келгусида ишлашни таъминлайдиган чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш (Арипов), давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари 2015 йил 1 январгача ушбу қарор билан тасдиқланган Лавозимлар рўйхатида лавозимлари назарда тутилган ходимларни аттестациядан ўтказиладиган ходимда компьютер саводхонлигининг минимал даражаси мавжудлигини тасдиқлайдиган тегишли сертификат олиш учун аттестациядан ўтказиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича ходимлар малакасини ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш ва яратиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош

вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 27 октябрь,  
289-сон